O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 30 июль, чоршанба • №61 (11.552) • Эркин нархда сотилади




## ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ – БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизда ушбу муборак санани бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу юмушларни адо этиш билан муносиб кутиб олиш хайрли анъанага айланган.*

Истиқлолимизнинг 12 йиллик тўйи тантаналарини кўтаринки руҳда кутиб олишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, айниқса, муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида таъкидлаганидек, ўтган даврда республикамизда кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётир. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий жабҳалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Олис ва шонли тарихимизни, неча минг йиллик миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг муборак номлари ва улуғ меросларини эъзозлаш, тиклаш ва абадийлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, улар онгу шуурига мустақилликни қадрлаш ва асраб-авайлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, шунингдек, кишиларимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш доимий эътиборда.

Ёш авлодни соғлом ва эркин фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, олий мақсадимиз – эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини тараққий топган демократик мамлакатлар даражасига кўтаришга қаратилган. Бу йўлда эришган ютуқларимиз эса ана шу буюк мақсад сари дадил одимлаётганимизнинг далолатидир.

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар истиқлол шарофати туфайлидир. Шундай экан, халқимиз орзиқиб кутадиган кун – Мустақиллик байрами муносабати билан бу йил ҳам юртимизда кенг миқёсли тантана ва тадбирлар ташкил этилаётгани бежиз эмас.

Айтиш жоизки, асосий эътибор мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган катта байрам тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишга йўналтирилган. Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳар галгидан ҳам жозибали, шукуҳли, бетакрор ўтиши учун бу ерда барча ташкилий, қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, бадиий-саҳна томошалари тайёргарлиги авжида.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ана шулар ҳақда фикр юритилди.

Ҳар галгидек Президенти-

**(Давоми 2-бетда).**

## ҚАСАМЁД

*Кўклам кези, Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган эди. Ватан олдидаги фарзандлик бурчини бажаришнинг бошқа масалалари қаторида қонунда ҳарбий хизматни ўташнинг мамлакатимиз учун мутлақо янги бир кўриниши – сафарбарлик чақируви заҳираси ҳам кўзда тутилган эди.*



Чақирув комиссияси томонидан сафарбарлик чақируви заҳирасига йўлланган йигитлар бир ойлик ҳарбий тайёргарлик муддатини ўтагач, ҳарбий билет олишади. Қуролли Кучларда муддатли ва шартномавий хизматга чиндан ҳам армияда хизмат қилишни истаган ёшлар олинишини назарда тутиб, ҳарбий хизматнинг шу кўриниши ҳам қонунлаштирилди. Қалб амри билан ҳарбий касбни танлаганлар ўз мақсадларига эришадилар. Бу, аввало, иқтисодий жиҳатдан ҳам ўзини оқлайди. Зеро, биз яхши таълим кўрган, ҳаракатчан ва замонавий қуролларга эга бўлган армияни шакллантирмоқдамиз.

Сафарбарлик чақируви заҳирасида хизмат қилиш эса, айни шу жиҳатларни ҳисобга олади.





Ўтган якшанба куни Чирчиқдаги ҳарбий қисмларнинг бирида Тошкент ҳарбий округидан сафарбарлик чақируви заҳирасига олинган йигитлар Ватанга садоқат билан хизмат қилиш учун қасамёд этдилар.

Бир ой мобайнида йигитлар ҳарбий тайёргарлик машқларида қатнашдилар, қурол билан муомала қилиш ва сафда юриш машқини олдилар. Энг муҳими, улар армияда хизмат қилишнинг моҳиятини англаб етдилар. Шу муносабат билан уларни мамлакатимизнинг таниқли кишилари табриклашди. Улар орасида Президент Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев, бирлашган штаб бошлиғи, мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Тўлқин Жумаев, Тошкент ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-майор Баҳодир Тошматов, пойтахт вилоятининг ҳокими Уммат Мирзақулов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва бошқалар бор эди.

Байрам улуғвор ҳарбий-спорт томошаси билан якунланди. Миллий гвардия аскарлари томошабинларга ўз ҳарбий тайёргарлик маҳоратларини намойиш этишди. Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаларининг жангчилари ҳам ўз қобилият ва салоҳиятларини амалда кўрсатишди.

***Ўз мухбиримиз.***

***СУРАТЛАРДА:** қасамёд вақти; Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов йигитларни табрикламоқда; аскарларнинг сафдаги тантанали юриши.*

***Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.***

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:***

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 2003 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 29 июль.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
4. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
7. "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. "Хусусий корхона тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. "Банк сири тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
10. "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
11. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
12. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
13. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига таааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## АЁЛЛАР ВА БИЗНЕС

*Тошкент вилояти ҳокимлигининг ҳузуридаги «Ҳамдўстлик» хотин-қизлар клубида «Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш» мавзуига бағишланган икки кунлик маслаҳат-кенгаш бугун ўз ишини якунлайди.*

Маслаҳат-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова очди.

Бу тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг биргаликда тузган лойиҳаси асосида амалга оширилди. Бундай маслаҳат-кенгашлар мамлакатнинг 8 минтақасида ўтказилади.

Ўз хусусий ишини бошлаган 20 аёл шу икки кун мобайнида қонунчилик асосларига оид билимларини оширади. Улар орасида тадбиркору фермерлар, халқ амалий ҳунармандчилиги намоёндалари бор.

Ишбилармон аёллар учун ўзаро мулоқот, маърузачилар билан жонли суҳбат ниҳоятда муҳим. Маърузаларни эса ЕХҲТнинг яқинда мамлакатимиз пойтахтида иш бошлаган «Хотин-қизлар ва Ўзбекистонда бизнес» маркази мутахассислари ўқишди.

Маслаҳат-кенгаш кунлари тадбиркор аёллар яна бир совға олишди — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида аёл тадбиркорлар учун Ахборот маркази очилди. Энди улар иқтисодиёт ва тадбиркорликка оид ахборотларни шу ерда мутлақо бепул олишлари мумкин.

Маслаҳат-кенгаш ишида Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

***Ўз мухбиримиз.***



*Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган мустақиллик байрами тантаналарида қатнашадиган эстрада блокининг кўриги давом этмоқда.*

## ҚЎШИҚЛАРДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий-ижодий гуруҳи эстрада қўшиқчилари асарларини жиддий талаблар асосида кўрикдан ўтказяпти. Танловнинг илк босқичида 326 нафар қўшиқчи иштирок этган бўлса, иккинчисида уларнинг ўн тўрт нафари танлаб олинди. Ҳайъат аъзолари хонандаларнинг ижро маҳорати, қўшиқ матни ҳамда композициясининг мазмун ва моҳиятига алоҳида эътибор қаратмоқда.

***(ЎзА).***

Вилоят ҳокимлигида

## ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ – МУҚАДДАС

*Шу йил 28 июль куни Тошкент вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши, вилоят сарҳадларининг мустаҳкамлиги, юрт тинчлигини таъминлаш, четдан маҳсулот олиб кириш ва хорижга маҳсулот олиб чиқишни тартибга солиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимликнинг гуруҳ ва котибиятлари, прокуратура, божхона, чегара қўшинлари, ички ишлар ва давлат солиқ бошқармалари, «Вилоятсавдо» ва «Вилоятбозорсавдо» акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари, бир қатор шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, чегарабўйи хўжаликлари, қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раҳбарлари, чегара ва маҳалла посбонлари жамоат тузилмаларининг сардорлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Йиғилишда вилоят тегишли бошқарма ва хизматлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Қайд қилиндики, сўнгги вақтларда Тошкент вилояти билан қўшни давлатлар ўртасидаги 855 километр масофадаги чегаралар бўйлаб хорижга ва хориждан товар-моддий бойликлар ҳаракатини тартибга солиш, қўшни давлатларнинг тегишли хизматлари билан бу борада ҳамкорликни кучайтириш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Лекин, кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, яширин равишда, айланма йўллар орқали ҳаракатлар мутлақо тўхтатилишига эришилгани йўқ. Шу йилнинг ўтган даврида 2639 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, 1,5 миллиард сўмлик моддий-товар бойликлари мусодара қилинди. Ноқонуний равишда валюта олиб чиқиш ва олиб кириш фактлари аниқланди. Контрабанда йўли билан товарларнинг олиб кирилишига чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари, чегарачилар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигини амалий тус олдириш, чегарабўйи хўжаликларининг аъзолари, маҳаллаларнинг аҳолиси ўртасида тарғиботни кучайтириш, контрабанда билан шуғулланаётган ёки пинҳона мол олиб кирилиши ёки олиб чиқилишига кўмаклашаётган шахсларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Чегара, божхона хизматлари, ички ишлар ходимлари ўртасида масъулиятни ошириш ниҳоятда муҳимлиги таъкидланди. Тегишли идоралар раҳбарларидан йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш қаттиқ талаб қилинди.

Ватан чегаралари — муқаддас. Унинг ишончли қўриқланиши — шарафли бурч деб, таъкидланди йиғилишда. Сарҳадларимизнинг дахлсизлиги учун ҳар бир фуқаро, у қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, масъулдир. Бу юрт тинчлиги, иқтисодиётнинг ривожи, халқимиз турмуш фаровонлигининг муҳим шартидир.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

*Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда катта пул эвазига ноқонуний тарзда ёрдам кўрсатиш билан шуғулланаётган бир гуруҳ шахсларнинг фаолиятига чек қўйди. Тадбир давомида 15 нафар киши қўлга олинди. Уларнинг аксарияти Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртларининг билимли талабалари экан.*

## «СОХТА АБИТУРИЕНТЛАР» СИРИ ФОШ ЭТИЛДИ

Жиноий режага кўра, гуруҳ ташкилотчилари томонидан ёлланган талабалар ота-оналари катта миқдорда пул тўлаган абитуриентларнинг ўрнига тест синовларидан ўтишлари лозим бўлган. Тошкент шаҳрида яшовчи Исмоил С. ва Давлатбек Р. гуруҳ ташкилотчилари бўлиб, улар ёлланган олий ўқув юртига ўқишга кирган ҳар бир абитуриент учун 2 минг АҚШ доллари ваъда қилган. Давлатбек Р. шаҳарнинг турли даҳаларида бир неча уйни ижарага олиб, у ерда сохта абитуриентларнинг имтиҳонларга муттасил тайёрланишини ташкил қилган. Исмоил С. эса уларнинг билим даражасини текшириш билан шуғулланган. Фирибгарлар тест синовларига кириш учун ташқи кўриниши абитуриентларга ўхшаш бўлган талабалардан фойдаланишни режалаштирган. Шунингдек, қонунга хилоф равишда паспортларга ўзгартиришлар киритиш ҳам кўзда тутилган.

Гуруҳ аъзоларини қўлга олиш пайтида 2003 йил учун тест топшириқларининг нусхалари ҳам топилиб, мусодара қилинди. Ушбу ҳолат бўйича МХХ тергов идоралари томонидан жиноий иш қўзғатилди.

***(ЎзА).***

# ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ — БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

миз томонидан комиссия аъзоларига Мустақиллик байрамини ўтказиш борасида берилган аниқ топшириқлар асосида Республика миқёсидаги чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Тадбирлар "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир!" шиори остида ўтказилиши таъкидланди.

Бу йилги асосий байрам тантаналарида истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, миллий ғоя, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бадиий дастурлар намойиш этилади. Байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намоён бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади. Замонавий куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида байрам тантаналари ҳамда халқ сайилларини ўтказиш учун қизғин ҳозирлик бормоқда.

Байрам арафасида анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Анъанавий "Ўзбекистон – Ватаним маним" қўшиқ байрамининг якуний концерти ҳамда "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ижрочиларни тақдирлаш маросими ўтказилади. Истиқлол байрами тадориги доирасидаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва илмий-ижодий тадбирлар Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, шунингдек, Нукус шаҳрининг 70 йиллиги юбилейларига тайёргарлик ишлари билан ҳам узвий боғлиқликда олиб борилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъат усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамланиб, альбом шаклида чоп этилади. Таниқли ва ёш иқтидорли рассомлар, халқ амалий санъати усталарининг турли кўргазма ва танловлари, фотокўргазмалар ташкил этилади.

Байрам муносабати билан янги ҳужжатли ва видеофильмлар, спектакллар, китоблар яратилади. Янги кутубхоналар очилади.

Таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, олимлар, санъаткорлар, маънавий-маърифий тарғибот соҳаси ходимларининг қишлоқ меҳнаткашлари, ишчи-хизматчилар, ёш авлод вакиллари билан мулоқотлари бўлиб ўтади. Жаҳон ва олимпия чемпионлари, халқаро кўрик-танловлар ғолиблари, Президент стипендияси ва давлат мукофотлари соҳиблари билан ҳам жойларда учрашувлар ўтказиш мўлжалланган.

"Обод маҳалла йили" дастури вазифалари ижросига қаратилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, ободонлаштириш ойлиги, умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилади. Байрам арафасида қуриб битказилган, қайта таъмирдан чиқадиган болалар спорти иншоотларининг тантанали очилиш маросимлари бўлади.

Қутлуғ айём олдидан қариялар ва ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари йўқланади, қаровчиси йўқ кексалар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундай кенг кўламли тадбирларни ўтказишдан мақсад мустақиллик ва унинг қадр-қимматини, бу сана Ватанимиз тарихида, жамиятимиз ҳаётида, халқимизнинг тақдири ва келажагида нақадар буюк аҳамиятга эга эканини, келгуси авлодларнинг мустақил давлат, ҳур ва озод мамлакат тарихида бутун дунё, аввало, демократик ҳамжамият билан биргаликда яшашига катта асос ва мустаҳкам пойдевор қўйганини кишиларимизга муносиб тарзда етказишдан иборатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

*(ЎзА).*

*(Давоми. Боши 1-бетда).*



# ОДАМЛАР ОРАСИДА

Кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишда ва уларни қонуний ҳамда адолатли ҳал этишда жиноят ишлари бўйича Янгийўл суди жамоасининг ўз ўрни бор.

Ўз ишининг билимдон судьялари суд-ҳуқуқ тарғиботини амалга ошириш мақсадида маҳалла ва ўқув даргоҳларида «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуида мунтазам учрашувлар ўтказиб келишмоқда. Бундай учрашувлар эса ўзининг ижобий самарасини бераётир.

***СУРАТДА:** Янгийўл шаҳар суди судьяси Камолиддин Ҳалилов ва девонхона мудираси Раъно Абдувалиева иш жараёнида.*

***Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.***

## 2003 йил — Обод маҳалла йили

# ДАСТУР БОСҚИЧЛАРИ

*Уйнинг остонасига қараб, ўша хонадон эгалари, уларнинг қандайлиги, қанчалик саранжом-саришта эканликлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Чиноз туманида «Обод маҳалла йили» давлат дастури асосида ободонлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг қай даражадалигини бир қарашда билиб олиш мумкин.*

Туманга кириб борар экансиз, қийғос очилиб ётган гуллар, янгидан ётқизилган асфальт, текис-равон йўлларга кўзингиз тушади.

Ижодий сафарда бўлган кунимиз эса бундай ободонлаштириш, ҳамма ерни саранжом-саришта қилиш тадбирлари давом этаётганига гувоҳ бўлдик. Чиноз бўйлаб ўтувчи Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Термиз автомагистралларининг бугунги чиройини кўрган киши таҳсин айтади.

— Автомагистраллар барча ташкилотларга бўлиб берилган, — деди ҳокимнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Толиб Илҳомов. — Улар бу ерда экилган гуллардан тортиб, қўйилган бетон тўсиқларнинг рисоладагидек туришигача жавоб берадилар. Яллама қишлоғидан қўшни республикагача бўлган 3,5 километрлик йўл қайта таъмирланди. Ундаги орасталик учун эса Яллама қишлоқ фуқаролар йиғини масъул.

Юқоридагилар туманда олиб борилаётган йирик ободонлаштириш ишларининг айрим кўринишлари, холос.

Туманда «Обод маҳалла йили» давлат дастури асосида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш борасидаги қатор амалий режалар ҳам ўз ижросини топмоқда. Хусусан, йил бошидан буён 850 та иш жойи барпо этилди. Унинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес соҳасига тўғри келади. 261 та иш ўрни эса деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.

Биргина мисол, Чиноз шаҳрида Ал-Қамар номли гузар ишга тушди. Шунингдек, 40 кишини иш билан таъминлаган хусусий тўқимачилик фабрикаси ўз фаолиятини бошлади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида шу йилнинг ўтган вақти мобайнида 3 та маиший хизмат кўрсатиш уйи фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, қилинган ишлар сирасига аҳолининг газ ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида тортилган 3 километрлик табиий газ ва 2 километрдан зиёд узунликдаги ичимлик суви қувурларини киритиш мумкин.

— Ҳар бир қишлоқ оқсоқоли мазкур ҳужжатни ўзига дастурил-амал қилиб олган, — деди Яллама қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Йигитали Рўзиалиев. — Айниқса, ёш болали, боқувчиси йўқ қарияларга тайинланган нафақаларни ўз вақтида уларга етказиб бериш устидан назорат ҳам оқсоқоллар зиммасида.

Туманда ёшлар тарбияси ва уларнинг бугунги маънавий қиёфаларини қадриятларимизга мос равишда шакллантириш борасида амалга оширилаётан ишлар ҳам киши эътиборини тортади. Мавжуд 97 маҳаллада учрашувлар, турли кечалар ўтказиш анъанага айланган. «Аср вабоси», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Огоҳлик», «Дин ва ёшлар» мавзуидаги қатор давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, бугуннинг муҳим талаби бўлган ҳамда юртимизда катта эътибор қаратилаётган масала — болалар спортини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Айни кунга қадар шу соҳага 10 миллион 231 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди. Туман марказий ўйингоҳи бутунлай қайтадан таъмирланди. Шунингдек, қурилиши давом этаётган Болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳам тез кунда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Қишлоқ марказларида ўйингоҳлар қуриш ишлари бошланиш арафасида. Ҳозирда ана шундай ўйингоҳлардан тўрттасининг лойиҳалари тайёр бўлди. Бунинг учун жами 4,2 гектар ер майдони ажратилди.

Хуллас, бугун туманда дастур асосида амалга оширилаётган барча ишлар босқичма-босқич рўёбга чиқариляпти.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# ИККИ ЯРИМ МИЛЛИАРД СЎМ МИҚДОРИДАГИ ОБЛИГАЦИЯЛАР

*— 2003 йилда Халқаро эмиссия синдикати орқали 2,5 миллиард сўм миқдоридаги корпоратив облигацияларни бешинчи қайта чиқарилиши амалга оширилди, — деди синдикат раҳбари "Carthil investment Co. LTD" шўъба корхонаси бош директори Анвар Расулов.*

Бош директорнинг сўзларига қараганда, корпоратив облигациялар бозори ўз ривожи учун йирик лойиҳаларга эга бўлган корхоналарни жалб этмоқда. Мазкур корхоналар кредит сифатида маблағлар қидирмоқда. Аммо қисқа муддатда банкдан кредит олиш қийин.Сармояни жалб этишни осонлаштириш учун Халқаро эмиссия синдикати орқали корпоратив облигациялар чиқариш анчагина фойдалироқдир. Халқаро эмиссия синдикати орқали корпоратив облигацияларнинг бир неча бор чиқарилиши янги молиявий воситанинг самарадорлигини кўрсатди. Эмиссия бирламчи бозорда юз фоиз жойлаштирилди.

Халқаро эмиссия синдикати вужудга келганидан бери 7 миллиард сўм миқдоридаги корпоратив облигациялар ўнлаб қайта чиқарилди. Эмитентлар орасида "Осиё вест", "Совпластитал", "Макс Хуросон", "Coscom", "Олмалиқ тоғ- металлургия комбинати", "Паллада Восток" шўъба корхонаси, "Асклепий" компанияси ва бошқалар бор.

Халқаро эмиссия синдикати раҳбари Анвар Расуловнинг айтишича, навбатдаги йиғилишда синдикат таркибига яна икки ташкилот: "Туронбанк" АТБ ҳамда "ТАТАТ" МЧЖлар кирди.Шу тарика, ҳозирда Халқаро эмиссия синдикати таркибида 21 аъзо бор бўлиб, уларнинг 15 таси банклар ва 6 таси инвестиция компаниялари ҳисобланади.

*«Туркистон-пресс».*

# ИЗЛАНИШ ТУФАЙЛИ

## бу жамоада бир йилда ҳар бир акцияга дивиденд тўлаш деярли ўн баробар ошди

*Уларнинг иш жойлари чўққилари осмонга туташиб кетган салобатли Қурама тоғи ёнбағирлари ястаниб ётган кўз илғамас бепоён кенгликларда, шунингдек, ер остида. Асосий вазифалари табиий бойликларни қидириб топиш ва уларни мамлакат халқ хўжалиги манфаатларида хизмат қилдириш.*

Турли кон касби эгалари бўлган юзлаб фидокорларни бирлаштирган шарқий Қурама кон-геология қидирув экспедициясининг кўпмиллатли, аҳил жамоаси туну кун, қишнинг аёзли кунларида ҳам, ёзнинг жазирамаларида ҳам шундай олижаноб иш билан шуғулланади. Қудратли бурғилаш, кон очиш асбоб-ускуналарини бошқаради. Тунда бурғилаш қурилмалари чироқлари порлаб, бамисоли коинот юлдузлари ерга кўчиб тушгандай жозибали манзарани юзага келтиради. Шундай нур манбалари ер остида фойдали тоғ жинслари қатламлари очилаётган туннел каби иншоотлар йўлини ҳам ёритиб туради.

Жамоа аъзоларининг кўпчилиги етакчи кончилик касбларини ўзлаштирган бурғиловчилар, лаҳмчилардир. Улар ер остида асрлар давомида ётган табиий бойликларни топиб, уларнинг она-Ватан равнақи учун, халқ фаровонлиги учун хизмат қилдиришга эришмоқдалар.

Экспедиция жамоасининг куч-ғайрати билан бундан қирқ йил илгари тўнғич Чадоқ конига асос солинган эди. Унда олтин қазиб олиш йўлга қўйилди. Бундан кейин қатор бошқа конлар ҳам очилди. Уларнинг кўпчилиги ҳамон ишлаб турипти.

Кон қидирувчилар табиий бойликларни излаш ишларини муттасил кенгайтириб боришяпти. Ўтган йили олинган соф фойда ҳажми 87 миллион сўмни ташкил этди. Бу ишлаб чиқаришга янги технологияни ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш самарасидир.

Бундан, аввало, жамоанинг ўзи катта наф кўрмоқда. Чунончи, ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи олдинги йилга нисбатан 75 фоиз ортди. Ҳар бир акцияга тўланадиган дивиденд миқдори бир йилда деярли ўн баробар ошди. 2001 йилда у 97 сўмни ташкил этган бўлса, ўтган хўжалик йили якунлари бўйича ҳар бир акцияга 874,8 сўм дивиденд тўланди.

Жамоа бу йил 1 миллиард 300 миллион сўмлик кон қидириш ишларини бажаришни режалаштирган. Жорий йилнинг дастлабки беш ойи кўнгилдагидек якунланди. Шу вақт ичида ҳаммаси бўлиб 540 миллион сўмликдан зиёд кон қидириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 621 метр узунликдаги бурғилаш ишлари адо этилди. Кон очишда эса 756 метрлик марра эгалланди.

Ишларнинг ҳаммасини саккизта бурғилаш ва учта ер қазиш бригадалари аъзолари рўёбга чиқармоқдалар, уларга таъмирлаш устахоналари ишчилари ёрдам беришяпти. Жамоа эришаётган ютуқларда бурғиловчилар К. Жунусов, А. Ҳасанов, ер ости ишчилари И. Хазиров, А. Дадабоевлар, А. Абдураҳмонов бошчилигидаги участка ходимларининг ҳиссалари салмоқли бўляпти. Экспедиция жамоаси республикамиз мустақиллигининг ўн икки йиллигини муносиб кутиб олиш учун иш суръатини тобора оширяпти.

***Собир ҲАМИДОВ.***

# ЙОД ВА САЛОМАТЛИК МАВЗУСИДА

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими йод танқислиги туфайли пайдо бўладиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган маслаҳат-кенгаш ўтказди.*

Уни ташкил этишда ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳам фаол қатнашди. Малакали мутахассислар ва олимларнинг аҳоли соғлиғини сақлаш борасидаги давлат сиёсати, йодланган ош тузининг фойдаси, уни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида санитария назоратининг самарадорлиги ҳақидаги маърузалари йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

***Ўз мухбиримиз.***



Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида ғўза парвариши об-ҳаво шароити ва экиннинг талабига қараб олиб борилаётгани сабабли ғўзанинг авжи баланд. Айниқса, оилавий пудратчи Хусниддин Тошбоев даласида мўл ҳосил тўпланмоқда. У бу йил камида 42 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб, меҳнат қилмоқда.

***СУРАТДА:** хўжалик бошқаруви раисининг иқтисодий ислоҳотлар бўйича муовини Ғайрат Усмонов, пудратчи Хусниддин Тошбоев, механизатор Алишер Бўкабоевлар ғўзанинг ривожини кўздан кечиришмоқда.*

***Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.***

# XXI АСРДА ИНСОНИЯТ РАВНАҚИ

*Халқаро Бизнес марказида БМТнинг ривожланиш дастури доирасидаги "Инсоният равнақининг глобал тараққиёти" маъруза ҳисоботига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

– Маъруза БМТнинг дастури буюртмасига биноан тайёрланган бўлиб, унда жаҳон тараққиётининг ривожланиш борасида қўлга киритилаётган ютуқлари таҳлил қилинган, – деди БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Ричард Конрой. – Бу йилги маърузада ҳам ўтган йиллардагидек 173 давлат ўртасида инсониятнинг ривожланиш салоҳияти бўйича рейтинг аниқланган. 2000 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг йиллик саммитида 189 та давлат раҳбарлари томонидан мингйиллик декларацияси қабул қилинган эди. Декларация ўтган ойнинг Францияда ўтказилган "Саккизлик гуруҳи" учрашувида яна бир бор тасдиқдан ўтди. Бу йилги маърузада ҳам ўтган йиллардагидек 173 давлат ўртасида инсониятнинг ривожланиш салоҳияти бўйича рейтинг аниқланди. Маъруза 18 та вазифани ва саккиз мақсадни ўз ичига қамраб олган.

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили маъруза юзасидан муҳокама ўтказилади, – деди Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Дамин Асадов. – Мазкур маърузанинг асосий мақсади инсоният равнақига қаратилгандир. Бундан ташқари, маъруза оналар ва болалар касаллиги ва ўлимини камайтириш масалалари, шунингдек, инсоният ҳаётига хавф солаётган ОИТС хасталиги муаммоларини қамраб олган. Республикамизда оналар ва болалар соғлиги муҳофазаси борасида анча ишлар амалга ошириляпти. Олдимизда турган вазифалардан бири 2015 йилгача республикада оналар ва болалар ўлимини сезиларли даражада камайтиришдир. Бу йўналишларда кўпгина халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб боряпмиз. Жумладан, Швейцария давлати билан ҳамкорлик қиляпмиз. Бу барчага тааллуқлидир.

Анжуманда Осиё тараққиёт банкининг республикамизда таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, сув муаммоси ҳамда аёл ва эркак тенглиги масаласига қаратилган бир неча лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам кўрсатаётганлиги таъкидланди.

*«Туркистон-пресс».*

# КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

*Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим шарти, аввало, ҳар бир фуқаро уларни пишиқ-пухта ўзлаштириб олишидан иборат.*

Шу муносабат билан кейинги вақтларда бу соҳадаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш кенгайиб бораяпти, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимдонликни ошириш мақсадида учрашувлар, савол-жавоб кечалари, маслаҳат-кенгашлар, давра суҳбатлари ташкил этиш яхши анъана бўлиб қолди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилоятининг ҳудудий бирлашмаси бу ишни янада амалий тус олдириш мақсадида бир қатор давлат идоралари, жамоат ва нодавлат ташкилотлар, вилоят оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда шу йилнинг июль-декабрь ойларида «Юксак маданиятли истеъмолчи» вилоят кўрик-танловини ўтказмоқда. Асосий мақсад аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни кучайтиришга қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти ҳам фаол иштирок этаётир.

Кўрик-танлов икки босқичда ўтади. У шаҳар ва туманларда декабрь ойида якунланади. Вилоят босқичини 2004 йилнинг январида ўтказиш белгилаб қўйилди.

«Юксак маданиятли истеъмолчи» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, кўрик-танловда ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши биладиган ва шу асосда оилада соғлом ва замонавий турмуш тарзи ярата олган пенсионерлар, ўрта ёшдаги ва навқирон истеъмолчилар иштирок этадилар.

Низомда кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари, унинг босқичлари ва муддатлари, даъвогарларни расмийлаштириш асослари ҳам белгилаб қўйилган. Танлов балл асосида баҳоланади. Бунинг учун тўққиз йўналиш бўйича 10 балли мезон танланди. Ғолиблар очиқ тарзда, мустақил ва холисона баҳо бериш йўли билан аниқланади.

## Истеъмолчи

# ТАЯНЧ ГУРУҲЛАР ҲАРАКАТДА

*Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширяпти.*

Ҳозир қарийб барча маҳалла, бозор, уй-жой мулкдорлар ширкати, таълим масканлари, корхоналарда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик асосидаги таянч гуруҳлари ишлаб турибди.

Шаҳар ва туманларда эса истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолият кўрсатяпти.

Қўмитанинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бошқармасидан хабар қилишларича, ўтган ярим йил давомида истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб 405 ариза ва шикоят ёзган. Уларнинг аксарияти истеъмолчилар фойдасига ҳал этилиб, 102 миллион сўмга яқин зарар ундирилган. Ишонч телефонлари орқали олинаётган шикоятлар ҳам тезда ижобий ечимини топаётир.

Шу йил бошидан буён Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш ва Реклама тўғрисидаги қонунлар талабларининг бажарилиши бўйича қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан уч юздан зиёд корхона, ташкилот, коммунал хўжаликда текширув ўтказилган. Бунда талайгина қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланган. Натижада истеъмолчилар фойдасига 64 миллион сўмга яқин зарар ундирилган.

Аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхшироқ англаб олишига эришиш мақсадида жойларда кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

***Замон ЭШОНҚУЛОВ,***
***ЎзА мухбири.***

## Асосий қонунимизни ўрганамиз

***92-модда.***

***Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб, ўз лавозимига киришган ҳисобланади:***

***«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали равишда қасамёд қиламан».***

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб, ўз лавозимини бажаришга киришади. Қасамёд — Конституция ва халққа хизмат қилиш юзасидан Президент ўз лавозимига киришаётганда берадиган тантанали ваъдадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти парламент депутатлари олдида тантанали равишда қасамёд қабул қилади. Қасамёд қабул қилишда Президентнинг қўли остида Конституция бўлади. Президент Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қилади. Президент қасамёд қабул қилиши билан давлат мадҳияси ижро этилади.

Агар бир шахс иккинчи марта Президент бўлиб сайланса, қасамёд такроран қабул қилинади.

Ўзбекистонда умумхалқ сайлаган Президент И. А. Каримов биринчи бўлиб қасамёд қабул қилди.

Жаҳон конституциявий назарияси ва амалиёти Президентнинг қасамёд қабул қилишига алоҳида аҳамият беради. Бу тадбир фақат расмий тантанали маросим сифатидагина қабул қилинмайди. Шунингдек, у юридик аҳамиятга ҳам эга.

Президент қасамёдининг юридик аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Президент қасамёд қабул қилиши билан ўз лавозимига киришади ва ўзининг конституциявий ваколатларини бажара бошлайди. Шу вақтдан бошлаб, аввалги Президент ўз ваколатини тугатади;

иккинчидан, қасамёднинг матни одатда Конституцияда берилади, халққа эълон қилинади ва парламент олдида Президент томонидан тантанали равишда қабул қилинади. Қасамёд матнида Конституцияга садоқат, халқ ва давлатга хизмат қилиш билан бирга, кўпинча диний тусдаги ифодалар бўлади ёки қасамёд Қуръон ёхуд Инжилда қабул қилинади;

учинчидан, қасамёдни бузиш Президентни жавобгарликка олиб келади, бу унинг ўз лавозимидан четлатилишига сабаб бўлиши мумкин (бундай маросим кўп мамлакатларда импечмент номини олган);

тўртинчидан, Президент ўзига бевосита берилмаган ваколатларига асосланган ҳаракатларида унга қасамёд юклаган мажбуриятларини рўкач қилиш имконига эга.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.***

## «Ҳамшира-2003»



# ГАВҲАРОЙ ҒОЛИБ

**Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган кўрик-танлов вилоятнинг энг сара ҳамшираларини аниқлаб берди**

Маълумки, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритувчи ҳар бир киши биринчи галда хушмуомала, юқори маданият эгаси, қалби кенг бўлмоғи даркор. Чунки, унинг ҳузурига келган бемор унинг бир оғизгина ширин сўзига маҳтал бўлади. Игна билан берилмаган даво ширин калом, хушхулқ билан етказилиши табиий.

Вилоятимизда кўпнинг ҳурматига сазовор бўлиб, сидқидилдан хизмат қилаётган тиббиёт ҳамширалари оз эмас. Улар касб маҳорати ва билимларини муттасил ошириб боришга, эгниларига кийган оқ халатларига доғ туширмасликка, Гиппократ қасамиға содиқ қолишга ҳар томонлама ҳаракат қилишмоқда.

Ушбу касб эгаларининг иш тажрибаларини бойитиш, касбий маҳоратларини оширишда улар орасида анъанавий ўтказилаётган кўрик-танловнинг аҳамияти беқиёс. Шу сабаб вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида «Ҳамшира-2003» кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказишга алоҳида аҳамият берилди.

Шу куни ҳамширалар нафақат касб маҳоратларини, балки ижтимоий-сиёсий мавзуда билимдонликларини, санъатдаги иқтидорларини ҳам намойиш этишди. Қизиқарли ва қизғин беллашувлар натижасига кўра, фахрли ўринни Бўка тумани марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлими ҳамшираси Гавҳар Маназарова эгаллади. Иккинчи ўрин Янгийўл шаҳар катталар поликлиникаси ҳамшираси Лобар Исматуллаевага, учинчи ўрин эса Оҳангарон тумани марказий шифохонаси туғруққа тайёрлаш бўлими ҳамшираси Шоҳида Раҳимбердиевага насиб этди. Ғолиблар тадбир ташкилотчилари ва ҳомийларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

«Ҳамшира-2003» кўрик-танловининг республика босқичи шу йилнинг сентябрь ойида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ўтади.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.




***Хуршида НАЗАРОВА.***

*СУРАТЛАРДА: танлов ғолиблари (чапдан) Наргиза Холматова, Гавҳар Маназарова, Шоҳида Раҳимбердиева; кўрик-танловдан лавҳа.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## Қарор ва ижро

*Маълумки, бугунги кунда баркамол авлод тарбияси муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатнинг келгуси равнақи бу ишнинг нечоғли муваффақиятли бажарилишига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, вилоятимиз шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар, ташкилот ва муассасалар вояга етмаган ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, саломатлигини яхшилаш йўлида ўз ҳамкорликларини кучайтирмоқдалар. Биз Янгийўл шаҳрида вояга етмаган ёшлар ўртасида улар олиб бораётган ишлар билан танишдик.*

# ЎЙИНГОҲ УЗРА ЯККА БИР ЧИРОҚ

**Янгийўл шаҳрида вояга етмаганлар билан ишлаш қандай ташкил этилмоқда?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори, шу асосда вилоят ҳокими 9 октябрь куни қабул қилган 280-қарор ҳамда 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастурни бажара бориб, бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз, — деди Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Умарали Мирзаев. — Шаҳримизда мактаб ёшидаги болалар 17 мингга яқин, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга эътиборни кучайтириш асосий мақсад ва вазифаларимиз ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳримизда жойлашган ўн иккита маҳалладаги таянч пунктларида ходимларимиз фаолият кўрсатмоқда.

Янгийўл шаҳрида ўтган йили вояга етмаган ёшлар ўртасида бешта жиноятчилик содир этилди. Алишер Қурбонов, Олег Шигов, Владимир Коломецовлар темир йўл яқинидаги кўчаларда жойлашган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкондан 150 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаб кетишган. Тезкор чора-тадбирлар туфайли улар тезда аниқланиб, жиноий иш қўзғатилди. Бу йилнинг олти ойи давомида 2 та жиноят содир этилган. Чунончи, Тожикистон фуқароси бўлган Умид Исомов умумий овқатланиш муассасасидаги 140 минг сўмлик касса-ҳисоблаш аппаратини ўғирлаб кетган. Суд авф туфайли унга нисбатан икки йил синов муддати белгилади.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи нозири Рустам Абдумажидов билан иш тартиби хусусида суҳбатлашаётганимизда, катта нозир, милиция подполковниги Маъруфали Юсупов шаҳар деҳқон бозоридан 5-синфни битирган, йўлида адашиб қолган ёш болани олиб келди. У бола асли Тошкент шаҳрининг Бешқайрағоч даҳасида яшовчи Алижон Ҳолматов бўлиб, пойтахтнинг «Фарҳод» деҳқон бозорида сотувчиларга нон етказиб турар экан.

Шу куни пешинга яқин, холасиникига кетмоқчи бўлиб, автобусга чиққанида мудроқ босгану шу зайлда Янгийўл шаҳар деҳқон бозорига келиб қолган. Дарҳол Алижон билан суҳбатлашиб, воқеани ойдинлаштиргач, уни қабул қилиш ва тақсимлаш бўлимига топширишди.

Шу ўринда баъзи рақамларни келтириб ўтиш ўринли. Бу йил олти ой давомида 153 та вояга етмаган бола маҳалла таянч пунктларига олиб келинган. Улардан 20 нафари жамоат тартибини бузган. 78 нафар ўсмир бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган. 40 нафари сабабсиз уйларидан кетиб қолган. 15 бола адашиб юрганлиги аниқланди. Милиция таянч пунктларига олиб келинганларнинг 135 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Шулардан 27 нафари қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасига юборилган. Фарзандларининг тарбияси билан шуғулланмаганликлари учун 14 ота-онага нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жарима қўлланилган.

Янгийўл шаҳар жамоат тартибини сақлаш пост патруль хизмати 3-бўлинма аъзолари ҳамда вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи катта нозири, Маъруфали Юсупов билан биргаликда тунги соат 24.00 га қадар шаҳарнинг Тошкент шоҳкўчаси, Янги ҳаёт, Самарқанд, Абдулла Ортиқов номли кўчаларини ҳамда бир қатор маҳалла таянч пунктлари аҳволини ўрганиб чиқдик. Дастлаб ишни шаҳар деҳқон бозоридан бошладик. Бозорда ёш болалар кучидан фойдаланиш ҳолларини кузатдик. Юк машиналаридан қовун-тарвуз тушираётган 14-15, ҳаттоки, 8-10 ёшлар атрофидаги болакайларни учратасиз. Улар билан танишиб, иш ҳақлари билан қизиқдик. Мана бу уч нафар бола атиги минг сўмга юк машинасидаги тарвузларни туширишаётган экан. Мана шу мурғаккина болакайлар борингки, кунига минг сўм атрофида пул топишар, тўғри, бекорчиликдан кўра, ота-оналарига ёрдам қилишаётгандир. Лекин, наҳотки, уларнинг аҳволи, соғлиғи билан на юк эгалари, на ота-она, на жамоатчилик, на бозор нозири қизиқиб кўрмаса?

Яна бозор айланамиз. Ён қаторда терга ботиб ишлаётган тўққиз-ўн яшар атрофидаги болалар бизни ҳайратга солди. Улар меҳнатидан фойдаланётган юк эгаси эса: «Ўзлари чиқиб олишди, мен катталари билан ишлаяпман, айтдим, ҳеч қайсиси тушмаяпти», — деб ўзини оқлашга уринди. Болаларга: «Неча сўмга ишлаяпсанлар?» десак, «ҳали билмадим», дея елка қисиб қўя қолишди.

Бозор гавжум, ҳар ёнга қарасангиз, болакайлар бири арава судраган, бири нон ташиган... Ваҳоланки, оғир жисмоний ишларда болалар кучидан фойдаланиш мумкин эмас. Бозорда шулар хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тунги соат 22 ларда Янгийўл шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабига кириб бордик. Қоровул Фарҳод Умархўжаев бокс тўгараги қатнашчиларини кузатиб қўйиб, ўзига тегишли ҳудудни кўздан кечираётган экан. Биз эса вазият тинч эканлигини билгач, ўйингоҳга кириб бордик. Унинг атрофида биронта ҳам майдон ёритгичлари кўринмайди. Оҳиста ўриндиқларни айландик. Қоронғуликда йигит-қизлар сигарета тутатиб, ўзаро суҳбатлашаётганликларини кўриб, ҳайрон бўлдик. Ҳозиргина қоровул бу ерда ҳеч ким қолмаганлигини айтганди. Лекин, афсуски, ҳар ер — ҳар ерда икки-уч нафар йигит-қизлар ўтиришарди. Уларнинг бири билан суҳбатлашганимизда бу ўсмир асли вилоятимиздан эмаслиги, яшаш учун ушбу ҳудудда рўйхатда турмаслиги, яқин атрофдаги уйларнинг бирида ижарада яшаб, Тошкент шаҳридаги Чорсу атрофида ишлашини айтди. Буни қарангки, илгари айни шу йигитга нисбатан жамоат тартибини сақлаш бўлими нозири Равшан Йўлдошев томонидан чора кўрилган экан. У эса, ўз билганидан қолмай, бемаҳалда бурчак-бурчакда «овуниб» юрибди.

Ўйингоҳга кириш учун ён кўчадан ҳам эшик бўлиб, у ерга ҳам қоровул қўйилган. Лекин «соқчи» майдонда сандирақлаб юрувчилардан бехабар, иш вақтида тўйиб ичиб олганича, қоровулхонада бўкиб ётарди. Уни чақириб, бемаҳалдаги бу «гавжумлик» билан қизиқдик. Қоровул Антон Ан маъмурият керакли шароит яратмаганлиги, ҳаттоки, анчадан буён навбатчилик қиладиган хонасида ҳам чироқ йўқлигидан нолиди. Шу атрофда ёлғиз симёғочда биттагина ёритгич милтиллаб турганига ишора қилди. Ўйингоҳ қоронғу бўлганидан кейин кимнинг ҳам юрак бетлаб атрофни айлангиси келарди? «Жанжал қилишмаса бўлди-да», деб қоровул маст-аласт нималарнидир ғўлдираганича ўзини оқлаган бўлди. Биз спорт мактаби мажмуини, унинг атрофларини узоқ айландик. Негадир ҳудуд нозирини ҳам учратмадик.

Шу ўринда ўйланиб қоласан, киши. Ахир бу ўсмир йигит-қизлар кимларнинг фарзандлари? Кечалари кўчада изғиб юришларини наҳотки яқинлари назорат қилмасалар? Булар ярим тунда ўйингоҳда нима қилишади?

Кузатишлар шуни кўрсатдики, шаҳарда осойишталикни сақлаш, жамоат тартибини бузиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Айниқса, бозорда ва унинг атрофларида вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланишни тартибга солиш ва назорат қилишни кучайтириш лозим. Бу ишга маҳалла оқсоқолларини, ёшлар ташкилоти фаолларини кенг жалб қилиш фойдали бўлади, албатта. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, тарғибот-ташвиқот ишлари оммавий-маданий тадбирлар билан мувофиқлаштириб олиб борилиши лозим. Ўйлаймизки, шаҳарнинг мутасадди идоралари ва жамоат ташкилотлари бу муаммолар хусусида жиддий ўйлаб, амалий чоралар кўрадилар.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# ЁШ ФАЗОГИРЛАР МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

*Ўзбекистон Фанлар Академиясида Халқаро ёшлар аэрокосмик мактабининг навбатдаги машғулотлари бошланиши муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Машғулотлар Ш.Воҳидов Халқаро ёшлар аэрокосмик мактаби жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Коинот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил этилди.*

Мазкур мактаб ўқувчи-ёшларнинг коинот, астрономия, астрофизика, муҳандислик, компьютер техникаси соҳаларидаги билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва бойитишга хизмат қилиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида унда, юртимиздан ташқари, Марказий Осиё давлатлари, Россия, Польша, Туркия, Озарбойжон, Грузия, Малайзия каби мамлакатларнинг кўплаб иқтидорли ёшлари иштирок этишга муваффақ бўлди.

Халқаро ёшлар аэрокосмик мактабининг бу йилги мавсуми Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилмоқда. Машғулотлар Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Қизилсой" дам олиш масканида ўтади.

Назарий машғулотлар Фанлар академияси илмий текшириш институтлари, илмий марказлар, корхона ва ташкилотларнинг машҳур тадқиқотчилари, олим ва мутахассислар, қолаверса, фазогир-учувчилар Владимир Жонибеков, Солижон Шарипов иштирокидаги қизиқарли маърузалардан иборат бўлади.

9 августгача давом этадиган мактаб дастури авиаракетомоделизм, космик учиш аппаратлари махсус ускуналари синови, орбитал станциялар лойиҳаси, фазовий кемаларни коинотга учиришнинг экологик соф лойиҳасига оид турли-туман қизиқарли амалий машғулотларни қамраб олади.

***(ЎзА).***

# Ёш олимлар илмий лойиҳалари танлови

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази давлат грантлари учун ёш олимларнинг илмий лойиҳаларини қабул қила бошлади. Қабул шу йил 29 августга қадар давом этади.*

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад қисқа муддатли давлат илмий-техникавий дастурларини шакллантириш, рўёбга чиқариш ва ҳар томонлама муваффақиятли амалга оширишдан иборат. Грант учун фундаментал тадқиқотлар олиб бораётган 33 ёшгача бўлган ёш олим ва мутахассисларнинг лойиҳалари қабул қилинади.

Танловда ғолиб чиққан лойиҳаларни молиялаштириш 2004 йилнинг 1 июлидан бошланади. Айни вақтда марказга аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидан бир неча лойиҳа топширилди.

***(ЎзА).***

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

*Республика ихтисослаштирилган Кардиология марказига 15 миллион сўмлик янги асбоб-ускуналар келтирилди. Натижада марказ иш қуввати беш баробарга ошди. Олдинлари 50 нафар бемор қабул қилинган бўлса, эндиликда 250 нафар беморни даволаш имкони яратилди.*

Ўзбекистон Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида республикада ихтисослашган тиббиёт марказлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Кардиология илмий-тадқиқот институти ва пойтахтдаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида республика ихтисослаштирилган кардиология маркази тузиш ҳам фармонда уқтириб ўтилган. Ушбу марказни ташкил этишдан асосий мақсад, юрак қон-томир касалликлари ва улар туфайли юз бераётган ўлим ҳолатларини камайтириш, аҳолига юқори даражали тиббиёт хизматини йўлга қўйишдан иборат.

***«Туркистон-пресс».***

# ТАШКИЛОТЧИСИ — «КАМОЛОТ»

*Бўстонлиқ туманининг «Чимён» болалар оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалиқ шаҳар Кенгаши ҳамда ҳаракатнинг «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан катта тадбир бўлиб ўтди.*

Олмалиқ шаҳар санъат мактаби раҳбари Гулчеҳра Тоирова дам олувчиларга ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақида маълумот берди. «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилот раиси Равшан Исаев эса ёзги дам олиш жараёни қай тарзда кечаётгани билан қизиқди. Тошкент Давлат юридик институти талабалари томонидан «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда конституция, қонунчилик, ҳуқуқий саводхонлик бўйича суҳбатлар уюштирилди. Талабалар ўзлари олиб келган совғаларни болаларга тақдим этишди.

Тадбир сўнгида дам олувчиларга «Дийдор» театр студиясининг ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган «Меҳр қолур» спектакли намойиш этилди.

***Холида НИЁЗОВА.***

# АЁЛ БОРКИ, ОБОДДИР УЙИНГ...

*Пойтахтнинг Усмон Юсупов гузарида Ҳамза тумани маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар қўмита раисаларининг ҳисобот йиғилиши ўтказилди.*

– Туманимизда элликта маҳалла бор, – деди "Чўлпон" маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно Усмонова. – Йиғилишда маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисалари маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, ёшлар тарбияси ва ёш оилани шаклланишига ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қилишди. Шунингдек, педагог-тарбиячилар, сардор-посбонлар билан хотин-қизлар қўмиталарининг ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисида фикр алмашилди. Бизнинг маҳалламизда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла фаоллари ўсмир ва ёшлари ўртасида миллий қадрият ва анъаналар, ўзаро меҳр-оқибат, кекса авлодга ғамхўрлик қилиш, гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари мавзуларида суҳбатлар ўтказиб туришади. Ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Р.Усмонованинг таъкидлашича, кейинги пайтларда маҳаллада болалар спортиға эътибор янада кучайди. 13 ёшгача бўлган болалар ўртасида футбол жамоаси тузилди, шоҳмот-шашка, сузиш каби спорт тўгараклари фаол ишлаб турибди. Ёшлар маҳаллалараро ўтказилган шоҳмот-шашка, сузиш мусобақаларида иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритишди. Буларнинг ҳаммасида маҳаллага бош бўлган Дилбар Абдураҳмонованинг хизматлари катта. Халқимизда "Аёл борки, ободдир уйинг" деб бежиз айтилмаган.

***«Туркистон-пресс».***

*Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилот иш фаолиятининг 2003 йил биринчи ярим йиллик якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.*

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ташкилот марказий кенгаши раиси А.Абдуқаҳҳоров бошқарган йиғилишда ўтган вақт давомида тизимда фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида камолга етказиш, мамлакат Қуролли Кучларини ислоҳ қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳисобга олган ҳолда чақирилувчиларни ҳарбий-техник тайёргарликдан сифатли ўтказиш, спортнинг техник ва амалий турларини тараққий эттириш асносида болалар спортини ривожлантириш дастурини амалга оширишда муайян ишлар бажарилгани таъкидланди.

Шу билан бирга бу борадаги айрим муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди, галдаги вазифалар белгиланди.

***(ЎзА).***

## Шифокор огоҳлантиради

# ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШНИ БИЛАСИЗМИ?

*Ёз фаслининг айни иссиқ кунларида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Овқат тайёрлаш ва пишган таомни сақлашнинг маълум қоидаларига риоя қилиш «оқилона овқатланиш» тушунчасига киради. Овқат нотўғри тайёрланганда ёки сақланганда у зарарли хусусиятларга эга бўлиб қолади. Уни истеъмол қилган киши касал бўлиши ёки заҳарланиши мумкинлигини асло ёдингиздан чиқарманг.*

Овқатдан заҳарланиб қолишнинг олдини олиш учун аввало, яхшилаб текширилган, сифатли маҳсулотларни ишлатиш керак. Янги гўшт, балиқ, қайнатилган колбасани совуқда сақлаш ёки оз-оздан харид қилиб, имкон қадар шу куниёқ ҳаммасини ишлатиш лозим.

Овқатдан заҳарланиш ва касал бўлишнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган энг муҳим тадбир озиқ-овқат маҳсулотларини ва тайёр овқатни ҳашарот (пашша) ва кемирувчилар тегишидан сақлашдир.

Овқат тайёрлаш пайтида озодаликка алоҳида риоя қилиш касаллик келтириб чиқарувчиларни бартараф этувчи муҳим омил ҳисобланади. Овқат тайёрлаш жараёнида ундаги дармондориларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш зарур. Витаминлар мева ва сабзавотлар пўстида ва устки қатламида жуда кўп бўлади, шу сабабли сабзавотлар пўстини қалин арчмаслик, яхшиси махсус пичоқда тозалаш мақсадга мувофиқ. Витаминлар, хусусан, С витамини темирга текканида парчаланади. Сабзавотларга яхшиси зангламайдиган пўлатдан ишланган пичоқ ишлатиш керак. Уларни бевосита қайнатиш ёки қовуриб дастурхонга тортиш олдидан (агар овқат хом сабзавотлардан тайёрланган бўлса) арчиб, тўғраш лозим. Арчилган сабзавотларни сувга солиб қўйиш ярамайди. Сабаби, сувда турганда витаминларнинг бир қисми парчаланади, қолгани эса сувга чиқиб кетади. Сабзавотларни совуқ сувга эмас, балки, қайнаб турган бироз шўр сувга солиш лозим. Суюқ ош, карам шўрва ва бошқаларни қопқоқли идишда оғзигача тўлдириб қайнатиш керак. Шўрва сабзавотларни кўмиб туриши муҳим. Аммо, унинг тошиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Овқатланиш тартибига риоя қилиш, шунингдек, нонушта, тушлик ёки кечки таом пайтидаги шароитнинг яхши бўлиши ҳам жуда муҳимдир. Ана шу тартибларга риоя қилинган тақдирдагина инсон тўғри ва сифатли овқатланиши мумкин. Бинобарин, ўшанда соғлиғи ҳам яхши бўлади.

***Саида ЮНУСОВА,***
***«Саломатлик» институти Тошкент вилояти филиали бўлим мудири.***

Шеърият



# МИНИБ ОЛАР ЕЛКАМГА ОФТОБ

**Ҳақиқий истеъдод нима ўзи, ижодда боқийликнинг сири нимада? Ҳазрати амир Алишер Навоий қуйидаги мисраларида ана шу сиру синоатни интиҳосиз ишора орқали айтгандек туюлади:**

*Халқ раддидин не ғам топғонға*
*лутфингдин қабул,*
*Эл қабулидин не суд оники*
*қаҳринг қилса рад.*

**Шундай экан, биз ҳам бу саҳифада иқтидорли шоир, носир ва публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Кўчқор Норқобилнинг бир туркум шеърларини эътиборингизга ҳавола қилар эканмиз, «Дунё ортидаги йиғи», «Кулиб тур, азизим!», «Қоронғу уй», «Қуёшни уйғотинг, тонг отди...» сингари қиссалар, «Хосиятли дунё», «Кафтимдаги қизғалдоқ» шеърий тўпламлар муаллифи, эртанги кунимизнинг умидию, дардидан огоҳ бўлган шоирнинг ёниқ сатрлари сизга ҳам манзур бўлади деб, ўйлаймиз.**

## СЕН ҲАҚИНГДА ИККИ ШЕЪР

### 1.

*Ёниб борар елкамда қуёш,*
*Кипригимда жимирлар саҳро,*
*Замин қадар кўксимдаги тош*
*Оғриғига чидолмас Жавзо.*

*Ёз, йўлингда оловли қасам,*
*Мана! Менинг ёнишим ҳалол!*
*Ёмғир бўлиб ёғайин десам*
*Ёлғизлигим бермоқда ҳалал.*

### 2.

*Мевазорда бўлди тантана —*
*Олмаларни термоқдалар — соз!*
*Қизларини узатган Она*
*Каби енгил нафас олар ёз.*

*Ёдим титрар... Олма бўйидан —*
*Юрагимда соғинч тортилди.*
*Воҳасими ё Водийида*
*Узоқ қолиб кетдинг таътилда.*

## ЁЗ ТОНГИ

Жавоҳирга

*Осмон — денгиз. Юзлаб қайиқнинг*
*Елканидай сузади булут.*
*Ёз қирмизтус. Тонгда борлиқнинг*
*Шуъласида оқади сукут.*

*Қип-қизарган олма — қизёноқ,*
*Боғлар ичи қамашар буткул*
*Юрагимга чўкади титроқ —*
*Болам, нурга узатасан қўл.*

*Шу лаҳзанинг мангу завқини*
*Бир лаҳзада туйдим қонимда...*
*Уруш, ўлим, қайғу талқини*
*Чекингандай бўлди заминда.*

*...Рангларини йўқотган олам,*
*Ҳаяжони сўнган очунда,*
*Ҳайратларинг ўлмасин, болам,*
*Мен ҳаётни кўраман Сенда...*

## ЁЗ ОҚШОМИ

*Чайқалди ер. Шамол турди,*
*Ёмғир урди. Тўзғиди гул...*
*Дарахтларни синаб кўрди*
*Тонгда чақмоқ узатган қўл.*

*Ўққа учган оққуш пати —*
*Боғ шамолда соврулади.*
*Фалак ёзган олов хатни*
*Ўқиб замин қоврилади.*

## ДАЛАДА ЁЗ

Уммат акага

*Саратоннинг олов селида,*
*Қилт этмайди шаббода — бетоб...*
*Тушиб ерга осмон қўлидан*
*Миниб олар елкамга офтоб.*

*Мавж уради ям-яшил дала —*
*Соҳилида салқинлар осмон,*
*Бир пиёла чой тутиб чайла*
*Ана, ёзни қилади меҳмон!*

*Қоқ тушдан то оқшомга қолиб,*
*Кенг даладай яшнадим — ҳузур!*
*Елкамдаги офтобни олиб*
*Пешонамни силади Ҳизр!*

## ДЎРМОНДА ЁЗ

Абдулла Орифга

*Йигирма иккинчи июнь.*
*Дўрмон. Дўл. Тўзон.*
*Ёзнинг қоқ белини синдирди чақмоқ...*
*Тонгнинг юрагини қилади вайрон*
*Дўлдан қамчи ясаб момақалдироқ.*

*Ўқ еб қулагандай тумонат лашкар,*
*Тўп-тўп тўкилади ерга зардоли...*
*Замбарак отади олмалар саҳар*
*Боғлар кўкка боқар ғамгин, зардали...*

*Чўмилиб бўлади кекса чинорлар —*
*Сокин тиниқликка чўмади дайр.*
*Бир шиддат туяди — юрагин олиб*
*Чақмоқ қиличига тутади шоир.*

## ҚИШЛОҚДА ЁЗ

*Қизнинг қучоғида чўмилди анҳор,*
*Қуёш эриб кетар сувнинг ичида.*
*Соя-салқинларга етолмай зинҳор*
*Тошлар тўнкарилиб ётар кўчада.*

*Гулбеданинг бўйидан сархуш,*
*Девор кавагида ухлайди шамол.*
*Ҳарорати ошган бемордай бехуш*
*Жавзо ёмғирларни қилади хаёл.*

*Яшил новдалари ёнди — чўғ олди,*
*Ёзнинг гулханида чарсиллар анор.*
*Ҳамма дарахтлардан орқада қолди,*
*Кузда кўз ёради — ҳали анча бор...*

*Яна ҳаммасидан чиройли жуда,*
*Қишлоқчилик — тупроқ, чангли яллалар,*
*Бир-бирини туртиб ўйнар гоҳида*
*Онаси ойдан ҳам тоза болалар.*

*Энамнинг ёшлиги ўтган қишлоғим,*
*Отамни кўтариб катта қилган эл...*
*Кўнглим қанот бўлиб келди учмоғим,*
*Чангли пешонангдан битта ўпай, кел...*

*Тилло суви томиб, зарга беланиб,*
*Қуёшга тобланиб ётар далалар...*
*Ризқим тегирмондан тушар эланиб*
*Қуёшга нон ёпиб олар холалар...*

*Ялпиз иси тутган ҳовлилар ичра,*
*Хиногул энтикиб кутади шомни.*
*Бахмал ёғдулардан яшнаб кулгуси*
*Намозшомгул қарши олар оқшомни.*

*Гилоскўз қизларнинг олма ёноғи*
*Ловуллаб ёнади — уйқуси сергак.*



*Кўнгилларга кўчиб тоғлар титроғи*
*Олис туйғулардан уйғонар юрак...*

*Сокин жавзо туни... Осмон яп-яқин,*
*Юлдузлар шуъласи хотирдай илиқ.*
*Боғларни таратиб чақади чақин,*
*Менинг излаганим — шоир болалик.*

## ШАҲАРДА ЁЗ

*Бир сукунат муаллақ қотди —*
*Ҳолсизланиб юзди кўк ости.*
*Ҳавосизлик қайғуси ортди —*
*Ерни тундлик лашкари босди.*

*Тарс ёрилиб кетгудай бўлиб,*
*Қилт этмайди мўйсафид чинор.*
*Сокинликнинг бағрини ёриб,*
*Дод солгудай шижоати бор.*

*Бу қай фасл? Қайси тарихда*
*Муз томади ёзнинг ўртаси.*
*Қон босими ошган ариқда*
*Лойқаланган сувлар ўртансин?..*

*Найза отар қуёш қийналиб —*
*Қайтарилар кўкнинг ҳамласи.*
*Чувалади қонга бўялиб*
*Оппоқ булут — осмон салласи...*

*Шундай давом этади кураш,*
*Тўнкарилиб тушгудай фалак...*
*О, бир ютим ҳаво жонталаш*
*Санчиб-санчиб қўяди юрак.*

*Бу не исён — мувозанатни*
*Бузиб лангар солади борлиқ?!*
*Қишу баҳор сўқишиб бетин*
*Нечун замин қилади торлик?*

*Жанг қилади Қуёш, матлаби —*
*Зулмат ичра чўкмасин олам...*
*Ҳеч нарсадан бехабар каби*
*Ракеталар учирар Одам...*

## ЁЗ ТАҚДИРИ

*Ёз чиндан ҳам талантли шоир,*
*Ҳар битта боғ — мукаммал ижод,*
*Бу боғларни қиларкан сайр,*
*Ўйга чўмиб қолади Ҳаёт.*

*...Ўтди баҳор — гуллаган фасл*
*Худди тушдай кечди бир зумда.*
*Умр йўли мезондир асли*
*Қариган куз кутар манзилда.*

*Гулламоқ хуш... Мева бермоқ соз...*
*Наҳот бари тугайди — Хазон?!*
*Тақдир, маккор бозорингда ёз*
*Меваларни сотсинми, арзон?!*

***Кўчқор НОРҚОБИЛ.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Болалар спорти

# МАБЛАҒ САРФЛАНДИ-Ю ЎЗГАРИШ ЙЎҚ

*Спорт иншоотлари ёруғ, кенг, тўлиқ жиҳозланган, барча қулайликларга эга бўлса, бадантарбия ва жисмоний чиниқиш турлари ёшлар ўртасида кенг оммалашиб, уларни ўзига дарров жалб қила олади. Чунки, мукаммал жиҳозланган машқ заллари, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари, очиқ мажмуалар спортга хавасни кучайтиради.*
*Янгийўл туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг раҳбари Озод Жонкораев билан суҳбатимиз айнан шу хусусда борди.*



**— Мактабингизда шарт-шароитларни яхшилаш борасида саъй-ҳаракатлар қандай?**

— Бир пайтлар спорт мактабимиз жойлашган ўйингоҳнинг ечиниш-кийиниш, ювиниш хоналари консерва заводининг омборхонасига айланиб қолган эди. Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда эълон қилинган қароридан сўнг бу ишларга жиддий эътибор қаратилди. Аҳволи бир ҳолатга келиб қолган «Халқобод» стадионига ҳомийлар тайинланиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ва унга Жўра Хоназаров номи берилди. Ечиниш-кийиниш хоналари ҳам керакли ашёлар билан жиҳозланди. Ювиниш хоналарига сув олиб келинди. Олдинги ҳолатига нисбатан ҳозир ўйингоҳга кўрк берилди.

**— Болалар бу ерда спортнинг қайси турлари билан шуғулланадилар?**

— Ёшларимиз билан футбол, баскетбол, миллий кураш бўйича машғулотлар ўтказамиз. Албатта, бу кам. Лекин, бошқа турлар бўйича секциялар ташкил этамиз десак, малакали мураббий йўқ. Уларни топсак ҳам, маоши қониқтирмаётир.

**— Туманда ягона Халқобод спорт мактаби бор экан. Шунинг ўзи етарлими? Бошқа кишлоқлардаги иқтидорли болалар қатнови учун бу ҳудуд узоқ эмасми?**

— Гапингизда жон бор. Ҳозирда спорт мактабимизда шуғулланаётган 325 нафар болаларнинг барчаси Халқободдан. Кўриниб турибдики, битта спорт мактаби камлик қилмоқда. Шунинг учун ҳар бир қишлоқда кичкина бўлса ҳам шу каби спорт мажмуаларини ташкил этиш керак.

**— Айни кунларда сизни қандай муаммолар қийнамоқда?**

— Миллий кураш тўгарагимизга спорт тўшаклари етишмайди. Борлари ҳам, эскиргани сабабли, шуғулланиш жараёнида ноқулайлик туғдирмоқда. Баскетбол ва футбол тўплари кам. Яқинда Халқ таълими бўлими томонидан 500 минг сўмлик спорт кийимлари ва тўплар олиб берилди. Бироқ, сифатсиз эканлиги боис, қисқа муддатда бир нечтаси яроқсиз ҳолга келиб қолган. Душхоналаримизда иссиқ сув йўқ. Ёзнинг жазирама кунларида билинмайди. Аммо, қишнинг совуғида болалар қандай ювинади? Мана шу мени ташвишга солмоқда. Машғулотлар ўтказиладиган хоналаримизнинг иситиш мосламаси ҳам мукаммал эмас. Совуқ бироз кучайса, хоналарни иситишга кучи етмайди. Спорт залимиз йўқлиги туфайли эса ёнимиздаги мактабнинг залидан фойдаланишга мажбур бўлаяпмиз.

**— Хоналар яқинда таъмирдан чиқарилган дедингиз. Аммо, деворлар бир ҳолатда-ку?**

— Хоналаримизда йиллар давомида чакка ўтиб ётарди. Бу йил муаммо ҳал этилиб, таъмирдан чиқарилди. Лекин, деворлар намни обдон шимиб олганлиги боис, зах чиқиб, деворлар олдинги ҳолатига келиб, яна таъмирталаб бўлиб қолди...

**— Яна қандай режалар устида иш олиб боряпсиз?**

— Спорт залимиз ертўлада жойлашган. У ҳам яроқсиз аҳволда. Маблағ топиб, уни оғир атлетика залига айлантириш ниятимиз бор. Қайтадан созлаб, керакли анжомлар билан жиҳозлаймиз. Шунда бу ерда ҳам ёшлар спорт билан банд бўлишларига имкон яратилади.

Тўғри, Янгийўл тумани мутасаддилари мактабга беэътибор бўлишмаган. Бироқ, қилган ишлари юқорида айтиб ўтганимиздек, яхши самара бермаяпти. Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Баҳодир Тўраев суҳбат чоғида мазкур тадбирлар учун ҳомийлар томонидан 60 миллион сўм сарфланганлигини ғурур билан таъкидлаб ўтди. Лекин, шунча маблағ сарфлангач, кўп ўтмай, спорт мактабининг машғулот хоналари «эски ҳаммом, эски тос» ҳолига келиб қолса, бундан нима наф? Наҳотки, Янгийўл туманида бу таълим муассасасидаги ушбу манзара ўзгармай, шундайлигича қолиб кетаверади?!

***Камолиддин АСҚАРОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

*Олмалиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг шоҳмот-шашка ва сузиш турлари бўйича спартакиада мусобакалари бўлиб ўтди.*

## МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ БЕЛЛАШДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари биргаликда ўтказган ушбу мусобақада 100 дан ортиқ маҳалла вакиллари икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Шоҳмот мусобақаларида Отабек Қосимов, Хайрулла Худойбердиев, Д. Турсуновларнинг қўли баланд келган бўлса, қизлар орасида опа-сингил Лагзия ва Мумия Маметовалар ҳамда Наргиза Сирожовалар шоҳсупага кўтарилишди.

## «O'ZBEKISTON FUTBOLI» — 10 ЁШДА

*«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида «Ўзбекистон футболи» газетаси ташкил топганига ўн йил тўлиши муносабати билан катта тадбир бўлиб ўтди.*

Тадбирнинг биринчи қисмида футбол турнири ташкил этилди. Биринчи ўринни Ўзбекистон Футбол Федерацияси, иккинчи ўринни «Ўзбекистон футболи» жамоаси ҳамда учинчи ўринни телерадиокомпания вакиллари эгаллашди.

Иккинчи қисмдаги йиғилишда газетанинг дунё юзини кўришида Вазирлар Маҳкамасининг қарори муҳим аҳамият касб этгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўтган давр мобайнида ушбу газета ўз номига мос равишда юртимиз футболи билан ҳамнафас яшади. Унинг саҳифаларида чоп этилган мақолалар кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш баробарида юртимиз футболи ривожига ҳам муносиб улуш қўшди, дея оламиз.

Шу куни Мустақиллик байрамига бағишлаб эълон қилинган «10+10» викторинаси ғолиблари аниқланди. Унга кўра, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи ҳақиқий футбол ишқибози Шомил Турғунов биринчи ўринни эгаллади. Ғолибга махсус кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

***Ўз мухбиримиз.***

Кулганга нима етсин!

### ЎЗИМ ОЛИБ КИРАМАН

Тонг саҳарда қишлоқдан талабанинг ота-онаси ўғлини излаб шаҳарга етиб келишди.

Кўрсатилган манзил ва уй рақами бўйича эшик қўнғироғини босишмоқда.

– Ким у? – эшик орқасидан аёл овози эшитилади.

– Кечирасиз, айтинг-чи, Маҳкамов шу ерда турадими?

– Ҳа, шу ерда туради! Уни йўлакка ётқизинглар, ҳозир кийиниб, уйга ўзим олиб кираман...

Қилмиш-қидирмиш

## НАСИҲАТ КОР ҚИЛМАГАЧ...

Тўсатдан содир бўлган ёнғинни кўриб, тезда етиб келган қўни-қўшнилар Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчасидаги 25-уй, 37-хонадон ичкарисига киришди. Не кўз билан кўришсаки, уйнинг йўлагида уй бекаси Тошкент давлат автомобиль йўллари олийгоҳининг 4-курс талабаси, 24 яшар Нигора Холматова қонга беланган ҳолда ётарди. Зудлик билан бемор касалхонага олиб борилганида, вафот этганлиги аниқланди. Мурда кўздан кечирилганда, унинг бўйни ҳамда чап орқа томонида ўткир тиғли жисм билан кесилган тан жароҳатлари борлиги аён бўлди.

Тузилган тезкор гуруҳнинг аъзолари томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида, жабрланувчининг қўшниси, Ойбек номли 2-ўрта мактабнинг 9-синф битирувчиси 16 ёшли Ғофуржон Соипов ушланди ва ундан далилий ашёлар олинди.

Тергов ишлари бўйича Қибрай тумани прокуратураси шуғулланмоқда.

## УСТА «ИШБИЛАРМОНЛАР»

Янгийўл тумани ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмига Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигида яшовчи Алишер Абдуллаевдан ариза тушди. Унда номаълум шахслар уйга дераза орқали кириб, ўғирлик содир этганликлари маълум қилинган эди.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу ўғирликни шу яқинда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 19-20 ёшлар атрофидаги Аброр Йўлдошев ҳамда Шавкат Мирзааҳмедовлар содир этишганлиги аниқланди.

Ҳозирда «ишбилармон»лар ўғирлик йўли билан топган 310 минг сўмлик буюмлари юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

## НАСИБ ЭТМАГАН «САҲАР»ЛИК

Ярим тунда ўз мақсадини амалга оширишга улгурган жиноятчилар устидан Ангрен шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига шошилинч хабар берилди. Маълум бўлишича, икки номаълум шахс Облиқ маҳалласи, Қир кўчаси, 41-а уйда яшовчи Рихси Эрматовнинг хусусий дўкони деворини тешиб кириб, умумий нархи 460 минг 545 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўмариб кетишган.

Тезкор ҳаракат натижасида бу жиноятни шу кўчада яшовчи, ҳозирда ишсиз Комил Раҳимов билан Баҳром Неъматовлар содир этишганлиги ошкор бўлди.

Шу кунларда мазкур жиноятчилар ўз қинғир ишлари сабабини шаҳар тергов бўлимига тушунтириб бермоқдалар.

## АДАШЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Кун ярмидан оғганда, Келес шаҳар Абдулла Қодирий кўчаси, 57-уйда яшовчи Татьяна Содиқова уйидан умумий нархи 84 минг сўмлик, узунлиги 12 метр бўлган швеллер ўмарилганлиги ҳақида туман қўриқлаш бўлимига мурожаат қилди.

Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижа бермади. Қидирув-суриштирув билан бир ҳафта ўтди. Пировардида бу ўғирликни, шу кўчанинг 55-уйида яшовчи, 32 яшар Пётр Никулин ўзидан 21 ёш кичик бўлган адаши Пётр Иванов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, амалга оширганлиги аниқланди. Шу куни гумонланувчилардан далилий ашё сифатида 12 метр швеллер ҳужжатлаштириб олинди.

Суриштирув ишларини туман ички ишлар бошқармаси тергов бўлими ўтказмоқда.

***Шерали АНВАРОВ,***
***Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг ходими.***

## Об-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 30 июль куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-16, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-586. Адади 4044. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6